

19.11.2019 йил

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича  
ХУЛОСА № 39**

**I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

**1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси)

**2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси

**3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 31 октябрдаги 05/1-175-сонли топшириғи

**4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида артемия цистасини овлаш ва қайта ишлаш, артемия цистаси маҳсулдорлигини ошириш, юқори сифатли артемия цистаси маҳсулотларини экспортга чиқаришни самарали ташкил мақсадида “Орол артемия саноат” ДУК ташкил этиш

**II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

**5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари** – “Орол артемия саноат” ДУК

**давлат органлари гуруҳи** – Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги.

**бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари** – мавжуд эмас.

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-банди иккинчи хатбошисида Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳузурида “Орол артемия саноат” давлат унитар корхонасини ташкил этиш, учинчи хатбошисида Орол денгизининг Ўзбекистон Республикасига тегишли барча қисмини артемия цистасини овлаш ва қайта ишлаш тармоғини

ривожлантириш учун 2020 йил 1 апрелдан бошлаб белгиланган тартибда “Орол артемия саноат” ДУКга доимий алоҳида фойдаланиш учун ўтказишга розилик берилган;

6.2. Қарор лойиҳасининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Маркзий банкига артемия цистасини овлаш ва янги замонавий технологик жараёнларни бажарилишини молиялаштириш учун “Орол артемия саноат” ДУКга белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилган.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Қарор лойиҳасининг 1-банди иккинчи хатбошисида Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳузурида “Орол артемия саноат” давлат унитар корхонасини ташкил этиш, учинчи хатбошисида Орол денгизининг Ўзбекистон Республикасига тегишли барча қисмини артемия цистасини овлаш ва қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш учун 2020 йил 1 апрелдан бошлаб белгиланган тартибда “Орол артемия саноат” ДУКга доимий алоҳида фойдаланиш учун ўтказишга розилик берилган;

7.2. Қарор лойиҳасининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Маркзий банкига артемия цистасини овлаш ва янги замонавий технологик жараёнларни бажарилишини молиялаштириш учун “Орол артемия саноат” ДУКга белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи кенгесининг 2019 йил 2 октябрдаги 01-682-сонли хатида кўрсатилишича, бугунги кунда Мўйноқ туманида артемия цисталарини овлаш, қуриштириш, қайта ишланган маҳсулотни экспорт билан 23 та субъектлар шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 24-бандида давлат унитар корхоналарини хатловдан ўтказиш асосида **рақобат мавжуд соҳаларда фаолият юритувчи ва самарадорлиги паст давлат унитар корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонини лойиҳасини киритиш белгиланган.**

Шунингдек, мазкур Дастурнинг 82-бандида **юрidik шахсларнинг «унитар корхона» ташкилий-ҳуқуқий шаклини бекор қилиш, хўжалик юритиш ҳуқуқини бекор қилишни назарда тутувчи Қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилган.**

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасига мувофиқ Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

**айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга**

**нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши;**

**айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасида давлат бошқаруви органлари, **махаллий давлат ҳокимияти органлари** ва юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, **рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи** ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи **ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги** қатъий белгиланган.

#### **IV. ХУЛОСА**

Юқоридагилардан келиб чиқиб,

**биринчидан**, мазкур бозорда (артемия цистаси етиштириш ва сотиш) давлат унитар корхонасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли қарор лойиҳаси концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш;

**иккинчидан**, қарор лойиҳасида қуйидагиларни назарда тутиш:

Орол денгизининг Ўзбекистон Республикасига тегишли барча қисмини артемия цистасини овлаш ва қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш учун барча тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш;

шу соҳа билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш учун кўмаклашиш;

артемия цистаси етиштирувчи тадбиркорлик субъектларига квоталар ажратишда хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш талабини белгилаш.

Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини кўрсатилган таклифлар асосида ўзгартирилгандан сўнг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.